"ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ" халқаро илмий-амалий анжуман МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ
(III-қисм)

ТАМБОВСКИЙ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ Г.Р. ДЕРЖАВИНА

SamISI
Samarqand Iqtisodiyot va Servis Instituti · Samarkand Institute of Economics and Service

# "ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ"

халқаро илмий-амалий анжуман

# МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(III-қисм)

(2021 йил 19-20 феврал)

Самрқанд - 2021

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ Г.Р. ДЕРЖАВИНА

# “ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ”

## СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ

**международной научно-практической конференции**

**(часть 3)**

**(19-20 февраля 2021 г.)**

**ТАМБОВ – 2021**



**Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари.** / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (III қисм). 2021 йил 19-20 февраль кунлари. Самарқанд, СамИСИ, 2021. – 256 бет.

**Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:**
**М.Қ.Пардаев** – иқтисод фанлари доктори, профессор

**Нашр учун масъуллар:**
**М.М.Мухаммедов** – иқтисод фанлари доктори, профессор,
**Ж.Р.Зайналов** – иқтисод фанлари доктори, профессор,
**И.С.Тухлиев** – иқтисод фанлари доктори, профессор,
**Н.А.Ибрагимов** – иқтисод фанлари доктори, профессор,
**К.Б.Уразов** – иқтисод фанлари доктори, профессор,
**Т.С.Шарипов** – иқтисод фанлари номзоди, доцент,
**А.Н.Холиқулов** – иқтисод фанлари номзоди, доцент

**Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова**

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш истиқболларига оид масалалар ёритилган. Унда инновацион ва рақамли иқтисодиётнинг назарий ва методологик муаммолари ва уларни ҳал қилишнинг стратегик йўналишлари, аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва турмуш даражасини ошириш масалалари, туризм соҳаси самарадорлигини ошириш механизмлари, ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда менежмент, маркетинг ҳамда инвестицияларнинг ўрни, молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика фанларини такомиллаштириш масалалари, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишда рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантлар, докторантурада таҳсил олувчилар, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

**Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.**

**© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2021**

**О.К.Хуррамов** – Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси

# ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада рақамли туризмнинг мазмун моҳияти ва уни Ўзбекистонда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари баён этилган.

**Калит сўзлар:** рақамли туризм, илғор ахборот технологиялари, телекоммуникацион тизимлар, рақамли иқтисодиёт

**Аннотация.** В статье раскрыто содержание цифрового туризма и приоритеты его развития в Узбекистане.

**Ключевые слова:** цифровой туризм, современные информационные технологии, телекоммуникационные системы, цифровая экономика

**Abstract.** The article reveals the content of digital tourism and the priorities for its development in Uzbekistan.

**Keywords:** digital tourism, modern information technology, telecommunication systems, digital economy

Ҳозирги босқичда глобал туризм индустриясининг ривожланиш тенденцияларидан бири Интернет технологияларининг ривожланиши, бошқача айтганда, туризмнинг замонавий ривожланиши рақамли иқтисодиётда кечмоқда. Яъни рақамлаштириш жараёни жуда кўплаб соҳалар каби туризм индустриясини ҳам четлаб ўтмади.

Илғор ахборот технологиялари ва телекоммуникацион тизимларнинг жадал ривожланиши туризм соҳасини рақамлашувини юза келтирди. Бу борада дунёдаги кўплаб олимлар ўз фикрларини баён этишган.

Рақамли туризм бўйича етук мутахассислардан бири Буюк Британия Борнмут университети профессори Дмитриос Буҳалис бўлиб, у рақамли туризмни электрон туризм, смарт туризм атамалари билан бир хил эканини таъкидлаб, электрон туризм бу ташкилотларга туризм, саёҳат, меҳмондўстлик ва умумий овқатланиш соҳаларидаги самарадорликни оширишга имкон берадиган барча жараён ва хизмат занжирларини рақамлаштиришдир, деб таъкидлаган [1].

Электрон туризмнинг моҳияти шундаки, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш туризмнинг барча соҳаларида учрайди. Электрон туризм электрон тижоратнинг бир тури сифатида, шунингдек, маҳсулот ва хизматларни электрон тизим орқали сотиш билан шуғулланадиган соҳадир[2]. Электрон тижорат сингари, у электрон маълумотларни узатиш, тарқатишни бошқариш, электрон маркетинг, онлайн транзакциялар, электрон маълумотлар алмашинуви, бошқарув тизимлари ва маълумотларни автоматлаштирилган бошқаришни ҳам ўз ичига олади[3]. Бундан ташқари, электрон туризм туризмнинг ўзига хос фаолияти, масалан, виртуал маконда туроператорларнинг, сайёҳлик агентликлари хилма хил таклифларини пайдо бўлишини юзага келтиради[4].



Ушбу соҳага оид адабиётлар таҳлили натижасида, фикримизча рақамли туризм деганда саёҳатни режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва ундан баҳра олиш жараёнларида рақамли воситалардан фойдаланиш бўлиб, бунда саёҳатчиларга саёҳатдан олдин, саёҳат давомида ва ундан кейин тақдим этиладиган электрон хизматлар мажмуаси муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда рақамли туризмни ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир:

а) Туристик инфратузилма билан биргаликда туристик инфотузилмани ривожлантириш. Туристик инфотузилма- туризмга тааллуқли барча турдаги хизматлар тўғрисидаги маълумотлар мажмуасидир. Туризм ривожига тааллуқли барча соҳаларда инновацион маълумот олиш манбаларини жорий қилиш ва уларни жадал такомиллаштириш рақамли маконни шакллантириб, ундан самарали фойдаланиш нафақат маҳаллий саёҳатчилар, балки хорижий сайёҳлар учун ҳам муҳим омиллардан бири саналади. Бунда хизматлар тўғрисидаги нафақат анъанавий шаклдаги буклет, флаер, варақа, брошюра ва баннерларни тайёрлаш, балки рақамли кўринишдаги веб саҳифалар, ижтимоий тармоқлар (Facebook, Instagram,...)даги саҳифалар, мессенжер (WhatsApp, Telegram)лардаги канал ва ботлар, видео портал (You Tube, Rutube, Mytube)лардаги профиллар, смартфон ва планшетлар учун мобил иловаларга устуворлик берилади.

б) мамлакатимиздаги туроператор ва турагентлар, меҳмонхона ва ресторанлар, транспорт ва бошқа хизмат кўрсатувчи туристик корхоналарнинг мутахассис ва ходимларини бугунги кундаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, рақамли маркетинг, электрон бизнес имкониятлари, GoogleAnalitics, Яндекс.Метрика, Ижтимоий медиа, Facebook, Instagram, WhatsApp, Telegram имкониятлари, e-mail маркетинг, мобил маркетинг (QR код, мобил илова), интернет рекламанинг инновацион усуллари каби рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологиялари бўйича маҳаллий соҳа мутахассислари ва хорижий экспертларнинг ўқув семинарлари ва тренингларида мунтазам қатнашишини таъминлаш зарур. Натижада тренингларда замонавий билимларни эгаллаган ходимлар ўз фаолиятларидаги камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш ва ҳамда истиқболли амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиб, соҳаларини яна ривожлантира олишади.

в) Мамлакатимиздаги туристик корхона, ташкилот ва муассасаларнинг иқтисодий муносабат ва бошқарув соҳасида замонадан ортда қолишини бартараф этиш учун истеъмолчилар билан коммуникация қилиш, электрон тўловларнинг янги шаклларини жорий этиш орқали секин асталик билан билан бўлсада фаолиятларини трансформация(он-лайн режим) қилишлари талаб этилади.

г) Ўзбекистонда рақамли туризмни ривожлантириш бўйича илмий изланишлар, амалий тадқиқотлар олиб бориш, дарслик, ўқув қўлланма ва

кўрсатмалар яратишни қўллаб кувватлаш ушбу соҳани янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Buhalis, D. (2003): eTourism: Information technology for strategic tourism management, Pearson (Financial Times/Prentice Hall), London ISBN 0582357403.
2. Buhalis, D., & Jun, S. H. (2011). E-tourism. Contemporary tourism reviews, 1, 2-38.
3. Buhalis, D., & Licata, M. C. (2002). The future eTourism intermediaries. Tourism management, 23(3), 207-220.
4. Buhalis, D., Leung, D., & Law, R. (2011). eTourism: critical information and communication technologies for tourism destinations. Destination marketing and management: Theories and applications, 2011, 205-224.
5. Navruz-Zoda, B., & Navruz-Zoda, Z. (2016). The destination marketing development of religious tourism in Uzbekistan. International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage, 4(7), 9-20.
6. Хуррамов О.К. Ўзбекистонда рақамли туризмни ривожлантириш истиқболлари. “Сервис” илмий-амалий журнал. 2020 йил 2-сон. Б. 34-39
7. Хуррамов О.К. Рақамли туризм ва унинг инновацион иқтисодиётдаги аҳамияти. “Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари” халқаро илмий-амалий анжумани. 2020 йил 21-22 февраль. Самарқанд. Б.92-94.
8. Хуррамов О. К. Особенности цифрового маркетинга в сфере туризм //Инновационное развитие: потенциал науки и современного образования. – 2020. – С. 118-128.
9. Хуррамов О. К. Иқтисодиётнинг рақамлашуви ва рақамли туризм //Иқтисодиётда инновация. – 2020. – №. Special.
10. Khurramov O. K. The role of the tourism sector in the digitalization of the service economy //Economics and Innovative Technologies. –2020. –Т. 2020. –№. 1.–С.6



**Д.З.Норкулова** – СамИСИ, “Туризм” кафедраси мудири, PhD,
**Т.Ш.Эвадуллаев** – СамИСИ магистранти


## ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ РИВОЖИДА ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ


**Аннотация:** ушбу мақолада геоахборот тизимлари ва ундан туризм соҳаси хусусан, зиёрат туризм соҳасида фойдаланиш ҳақида маълумотлар келтирилган. Муаллифлар ГАТ нинг таърифи ва унинг хусусиятлари ҳақида маълумотлар беришган.



**Калит сўзлар:** ГАТ, туризм, зиёрат туризми, муқаддас жой, ахборот, интернет.



**Аннотация:** в этой статье представлена информация о географических информационных системах и их использовании в сфере туризма, особенно в сфере паломнического туризма. Авторы предоставляют информацию об определении GAT и его особенностях.





**Ключевые слова:** ГИС, туризм, паломнический туризм, святое место, информация, интернет.



**Abstract:** This article provides information on geographic information systems and their use in tourism, especially in the field of pilgrim tourism. The authors provide information on the GAT definition and its specifics.



**Key words:** GIS, tourism, pilgrim tourism, holy place, information, internet.


Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида зиёрат туризмини жадал ривожлантириш зарурлигинин таъкидлаб, юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига уларнинг атиги 500 таси киритилганлигини билдирган эди[1].

Биз яшаётган Самарканд вилояти туристик имкониятларга жуда бой бўлиб, бу ерда хусусан зиёрат туризмини ривожлантириш ва шу орқали давлат хазинасига самарали ҳисса қўшиш мумкин. Чунки вилоятда ҳозирги кунда 1851 та моддий-маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, уларнинг орасида зиёрат қилиниши мумкин бўлган жойлар сони маълум қисмини ташкил этади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида “Зиёрат ва анъанавий туризмни ривожлантириш мумкин бўлган йўналишлардаги маданий мерос ва архитектура объектлари сонини 800 тага етказиш ҳамда бу орқали уларнинг ҳолатини яхшилаш” вазифаси қўйилган[2].

Ушбу стратегик вазифани муваффақият билан бажаришда зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда мавжуд бўлган муқаддас қадамжолар, хорижий ва маҳаллий зиёратчиларни қизиқтираётган зиёратгоҳларни ободлиги ёки зиёрат қилишга яроқлилигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳар доимгидан ҳам муҳим ҳисобланади.

Зиёрат туризми деганда турли дин намояндаларининг ўз динидаги муқаддас жойларига зиёрат мақсадларини амалга ошириш учун сафар қилишини тушуниш мумкин. Муқаддас жойлар қанча зиёратбоп, тоза, шинам ва қулай шароитларга эга бўлса, зиёратчилар оқимини шунча кўпайиши ва бу билан катта ютуқларга эришиши мумкин.

XXI асрга келиб ахборот соҳасининг шиддат билан ўсиши, компьютер технологияларини яратилишига ва кишилик ҳаётининг турли соҳаларини

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиса Мурожатномаси. https://president.uz/ru/lists/view/3324 [24.01.2020].

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03 2020 й., 06/20/5953/0246-сон.

| | | |
|---|---|---|
| Каланова М.Б. | Умумий овқатланиш корхоналарида кўрсатиладиган хизматлар сифати | 51 |
| Кулиев Б., Шукуров И.Х., Мукимова У.Т. | Озиқа толаларининг овқатланишдаги ўрни ва улар билан бойитиладиган рационларни такомиллаштириш йўллари | 54 |
| Болтаев Б.С., Хушмуродова М. Арипова Ш.А. | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аёлларнинг ўрни | 57 |
| Raximova S. | Organizational and legal forms of the market of medical services in Uzbekistan | 60 |
| **III ШЎЪБА. "ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ"** | | |
| Пардаев М.Қ. | Мамлакатимизда пандемиядан кейинги шароитда туризмни ривожлантиришнинг айрим йўналишлари | 64 |
| Salayev S., Raximova S. | O'zbekistonda tibbiy xizmatlar bozori rivojlanishining asosiy yo'nalishlari: tibbiy turizm imkoniyatlari | 70 |
| Холикулов А.Н., Фаттаев Ж.Ф. | Восстановления туризма в Узбекистане после пандемии каронавируса | 74 |
| Babaqulov B.M., Mirzaxodjayev A.B. | Mehmonxona xizmatlari sohasida investisiya faoliyatining samaradorligini oshirish yo'llari | 77 |
| Хуррамов О.К. | Ўзбекистонда рақамли туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари | 80 |
| Норқулова Д.З., Эвадуллаев Т.Ш. | Зиёрат туризми ривожида геоахборот тизимидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари | 82 |
| Мухаммедова З.М | Туризм соҳасида инновацион фаолиятни жадаллаштириш | 87 |
| Амиров А.М. Низамов Ш.Р. | Умные города к направлениям умного туризма: теоретические аспекты | 90 |
| Buranov F.K., Mirzayeva U.X., Haydarov S.A. | Kompyuter va mobil ilovalarning turizm va mehmonxona xo'jaligi faoliyatini rivojlantirishdagi ahamiyati | 95 |
| Норқулова Д.З., Фаттаев Ж.Ф. | Актуальность геоинформационные систем в развитие гостевой домов в Узбекистане | 99 |
| Самиев С.С. | Ишбилармонлик туризмида меҳмонхона хизматлари сифатини баҳолаш хусусиятлари | 101 |
| Buranov F.K. | Turizm sohasini rivojlantirishda mehmonxona xizmatlarining o'rni: mavjud muammolar va ularga yechim (Samarqand shahri misolida) | 105 |





| | | |
|---|---|---|
| **IV ШЎЪБА. "ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ"** | | |
| Усманов И.А., Мирзаев З.А. | Замонавий ташкилотларда бошқарув тузилмаларнинг аҳамияти ва турлари | 107 |
| Қалмуратов Б.С. | Минтақада саноатни ривожлантиришни инновацион бошқаришнинг назарий жиҳатлари | 111 |
| Усманов И.А. Жуманов Ш.Н. | Қурилиш-монтаж ишларини бажаришда сифат назоратининг айрим хусусиятлари | 115 |
| Маматкулова Ш.Ж Рахматуллаев Э. | Меҳнат бозорини ўрганиш ва тадқиқот қилиш йўллари | 118 |
| Рафиқов Р.А., Холиқулов А.Н. | Нефт-газ комплексидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарали жиҳатлари | 123 |
| Yahyoxonov N.B. | Xizmat ko'rsatuvchi sub'ektlari faoliyatiga raqamli marketing texnologiyalarini joriy etishning nazariy masalalari | 128 |
| Juraeva D.S. | Oziq-ovqat mahsulotlari eksportini rivojlantirishda marketing tadqiqotlarini olib borish | 131 |
| **V ШЎЪБА. "ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ"** | | |
| Зайналов Дж.Р. Усмонова Ш.Ш. | Эффект, образующийся при сокращении величины инвестиционных вложений | 134 |
| Калонов М.Б. | Банк тизимида масофадан хизмат кўрсатишнинг аҳамияти | 138 |
| Досчанов Т., Алланазаров О.Б. | Тадбиркорлик фаолияти ишлаб чиқаришидаги хатарлари ва улардан суғурталашнинг ўзига хос томонлари | 141 |
| Джульматова С.Р. | Инвестиции и человеческий капитал | 144 |
| Хайдаров З.Ш. | Банклараро кредит ресурслари бозорига Ўзбекистон Марказий банк пул-кредит сиёсатининг таъсири | 146 |
| Хусанов Б.Ш., Усмонова Ш. | Инвестиция муҳитини яратиш орқали иқтисодий тараққиётни таъминлаш истиқболлари | 153 |
| Улашев Х.А., Усманов Ф. | Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни | 158 |
| Бауетдинов М.Ж., Нурбоев Ш.К. | Молия сектори орқали корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш йўллари | 161 |